

• «Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш. Муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида парламентнинг юқори палатасида бўлиб ўтган семинар Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда ташкил этилган бўлиб, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий йўналишдаги муҳим масалаларига бағишланди.

• «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури, шунингдек, «Экология ва саломатлик кўналари» доирасида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикасига навбатдаги «Саломатлик» поездини ташкил этди. Кеча воҳага йўл олган поездда 35 миллион сўмлик турли буюмлар, кийим-кечақлар ва зарур халқ истеъмол моллари бор.

• Кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда «Тошкент» республика фонд биржаси ҳамкорлигида «Қимматли қозғалар ликвидлигини ошириш муаммолари ва уларни хорижий фонд биржаларига жойлаштириш» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

• «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг «Жиззахавтойўл» шўъба корхонаси йўлсозлари республика аҳамиятига молик 252 километр узунликдаги Сирдарё вилояти чегарасидан то Самарқанд чегарасигача бўлган энг серқатнов йўлни таъмирдан чиқарди.

• Навоий вилоят ҳокимлиги, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси ҳамда фермер ҳўжаликлари уюшмаси вилоят филиали ўзаро ҳамкорликда янги тузилган фермер ҳўжаликлари вакиллари учун махсус ўқув-семинари ташкил этди.

• «Фаргонателеком» вилоят бўлимининг Кўқон шаҳар телекоммуникациялар боғланмасида янги электрон рақамли станцияни ишга тушириш мақсадида охириги монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. Мазкур хайрли иш «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг хитойлик мутахассислар билан амалга ошираётган лойиҳаси асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

• Кўқонда «Кўшиғимдасан, она Ўзбекистон» номли танлов бўлиб ўтди. Она юрт, муस्ताқил Ватан, унинг заҳматкаш инсонларини тараннум этувчи ушбу кўшиқ байрамида 10 дан зиёд бадиий жамоа иштирок этди. Чинакам халқ сайлига айланган кетган тадбирда «Мафтунок овоз соҳиби», «Энг жозибали рақс», «Истиқлол куйчиси», «Кўқоннинг санъат фидойиси» йўналиши бўйича голиблар аниқланди.

ЖАҲОНДА

• Қоҳирада ХАМАС ташкилоти аъзолари Фаластин мухторияти Бош вазири номзодини танлаш юзасидан йиғилиш ўтказишди. Хабарларга кўра, ташкилот аъзолари ҳуқуқат бошлиғи лавозимига 50 ёшли тадбиркор Фози Жамол ал Хубайрийнинг номзодини кўрсатишган.

• Ҳавода асабини фалажлантирувчи заҳарли модда борлиги тўғрисидаги хабар келганидан сўнг АҚШ Сенати биносидан 200 киши зудлик билан эвакуация қилинди. Қайта текширувлар буни тасдиқлаган бўлса-да, хоналардан бирдан шубҳали кукун топишган.

• Белоруссия Вазирлар Кенгаши истиқомат ҳуқуқига эга бўлмаган чет эллик фуқароларни ўз Ватанига қайтариш ҳақидаги ҳужжатни тасдиқлади. Эндликда ана шу ҳужжатга асосан мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жамоат тартиби, соғлиқни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тинчлик ва оқойишталигини таъминлаш мақсадида чет эллик шахслар Белоруссия ҳудудидан чиқариб юборилади.


• Россияда фан кўни байрам сифатида кенг нишонланди.

• Нигериянинг шимолидаги Кадуна штатининг паррандачилик фермаларидан бирида парранда гриппи вируси H5N1 борлиги аниқланди. Бу тўғрисида Жаҳон эпидемиология ташкилоти хабар қилди. Вирус Африка китъасида илк бор қайд этилганлиги унинг шиддат билан тарқалаётганидан дарак беради. Кадунадаги фермада ҳозирга қадар 150 минг парранда нобуд бўлди. Маҳаллий фермерлар тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан Кано шаҳрида фавуллода йиғилиш ўтказишди.

• Туркиянинг шимоли-ғарбида Рихтер шкаласи бўйича 4,5 баллик зилзила қайд этилди. Зилзиланинг ўчоғи Исталбулдан 144 километр узоқликдаги Аданазари шаҳрида бўлиб, ҳозирча ҳаётдан қўз юмганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 11 февраль кўни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10, кундузи 12-14 даража илқ бўлади.



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 28 (10.585)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Иқтисодиёт

«ТОШКЕНТМОЙКОМБИНАТИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ УЧУН ЎТГАН ЙИЛ БАРАКАЛИ КЕЛДИ.

Замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, давр билан ҳамнафас қадам ташлашга интилиш ўз самарасини бериб, комбинатда ишлаб чиқарилган «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли маҳсулотлар ўз харидорини топди.

2006 йилни эзгу ният билан бошлаган корхона аҳли аҳоли дастурхонига ўз маҳсулотлари



РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

билан файз киритиш мақсадида тадбиркорлик билан изланмоқда. Албатта, маҳсулотнинг харидоригир турларини кўпайтириш, сифатига алоҳида эътибор қаратиш, рақобатбардошлигини таъминлашда доимий изланишлар ўз самарасини бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳўжалик юритишнинг янги услубларини қўллаш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асортименти тубдан ўзгариб, сифати ортди, кадоқланишга эътибор кўчатирилди.

Бу борада, албатта, бозор талаби, харидор эҳтиёжи эътибор олинмоқда. Бугунги кунга келиб корхонада биргина пахта ёғининг 3 хили ярим литрдан тортиб 4 литргача бўлган пласт-



масса идишларда кадоқланмоқда. Шунингдек, ўтган йилда 10 турдаги маргарин ва 6 хил май-

онез маҳсулотлари тайёрлаиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Қиздирилган ёғ ва қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлашда қўл келадиган махсус мойлар ҳам харидорларни хўшнуд этмоқда.

Жорий йилда тадбиркорлар 35 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб беришни зиммаларига олишган. Албатта, ушбу маҳсулотлар сифатида янги асортиментдаги сифатли ёғ, маргарин ва майонезлар харидорлар талабини қондиради. Шу боис ҳам корхона тадбиркорларининг доимий изланишлари, янгилик яратишга интилишлари давом этмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: уста **Маймура Ўсарова** ва оператор **Зайнутдин Турдиев**; кадоқловчи **Шахноза Тошева** «Менинг орзум» маргаринлари сифатли кадоқланишда муҳим ҳисса қўшмоқда.

Наталья Семёнова олган суратлар

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг 2005 йил мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда Хомийлар ва шифокорлар йилида бажарилиши лозим бўлган вазибалар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Собир Раҳимов қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида «Камолот» ЕИХ туман бўлими томонидан «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида спортнинг шашка тури бўйича 14-28 ёшлилар ўртасида туман мусобақаси ташкил этилди.

• **БУГҮН** Тошкент авиация касб-ҳунар коллежида «Камолот» ЕИХ Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан туман сардорлар ва етакчилар кенгаши аъзолари учун уюштирилган семинарда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши вакиллари иштирок эттиди.

• **КЕЧА** 232-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар, шоирлар, адиллар иштирокида мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодий меросини ўрғанишга бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

ҚАРОРИ

АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ СЕЛ-ТОШҚИН ВА КЎЧКИ ҲОДИСАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАВКУЛОДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА КЕЧИҚТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошқин ва сел оқимлари келтириши мумкин бўлган зарарни камайтириш, кўчкларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ва бу борада олиб борилаётган муҳоғаза ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қор кўчишлари, тошқин ва сел оқимлари хавфсиз ўтишини таъминлаш, кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳуқуқат комиссияси (бундан кейин — Тошқинга қарши ҳуқуқат комиссияси) таркиби тасдиқлансин.

2. Тошқинга қарши ҳуқуқат комиссияси: бир hafta мuddатда 2006 йил баҳор-ёз даврида қор кўчишлари, тошқинлар, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавкулда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича асосий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда унинг бажарилишини таъминласин;

2006 йил 15 мартгача Ўзгидромет ва Давлат геология кўмитасининг тегишли хизматлари маълумотлари асосида хавфли ҳудудларда жойлашган ҳўжаликлар рўйхатини белгиласин ва уни мунтазам аниқлаштириб борсин, мазкур ҳудудларда яшайдиган аҳолини вақтинча кўчириш ёки (зарурат бўлса) республиканинг хавфсиз ҳудудларига доимий яшаш учун босқинчабосқич кўчириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

аҳоли ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ фавкулда вазиятлардан муҳоғаза қилиш бўйича режада кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг муассаса ва ташкилотлари самарали ҳамкорлик қилишини ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришини таъминласин.

3. Ўзгидромет (В.Чуб) ва Давлат геология кўмитаси (Н.Ахмедов):

2006 йил 20 февралгача Тошқинга қарши ҳуқуқат комиссияси, вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимликларига хавфли ҳудудларда жойлашган ҳўжаликлар, аҳоли пунктлари ва одамлари вақтинчалик кўчирилиши ёки кўчириб кетилиши зарур бўлган бошқа объектлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсин, шунингдек, муҳандислик-техникавий муҳоғаза чора-тадбирларини ўтказиш бўйича таклифлар берсин;

гидрометеорологик вазият ва геологик жараёнларнинг узлуксиз мониторингини ташкил этсин ва амалга оширсин, бунда А-373 «Тошкент-Ўш» автомобиль йўлининг «Қамчиқ» довоиндаги қисмига алоҳида эътибор қаратсин, хавфли ҳудудларга тушиб қолган янги объектлар тўғрисида зудлик билан ахборот тақдим этилишини таъминласин;

ёзги таътиллار ва мактаб таътиллари мавсуми бошланишидан олдин болалар соғломлаштириш лагерлари, санаторийлар, дам олиш уйлари, сайёҳлик базалари ва пансионатлар жойлашган ҳудудларни муҳандислик-геологик текширувдан ўтказсин. Зарур бўлганда, объектларни вақтинча ёпиш ёки керакли муҳоғаза чораларини амалга ошириш тўғрисида ёзма равишда кўрсатмалар киритсин;

Фавкулда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, объектлари ва ҳўжаликлари хавфли ҳудудларда жойлашган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фуқаролар томонидан аҳоли ва ҳудудларни фавкулда вазиятлардан химоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриш тўғрисидаги тегишли оғохлантириш ва кўрсатмаларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилишни таъминласин;

Фавкулда вазиятлар вазирлиги ва Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда тўпланган қорнинг ҳажми, сел ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларни аниқлаш, ўпирилиш хавфи бўлган тоғ кўллари ва қўллари ҳолатини баҳолаш ҳамда бу жойларда гидрометеорологик вазият ва геологик жараёнларнинг ривожланиш суръатини доимий кузатиш ва прогноз қилиш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида тоғли ва тоғли тўманларда, шу жумладан, зарурат бўлганда, чегарадош давлатлар ҳудудига (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда) 2006 йилнинг 1 мартидан 1 сентябргача бўлган даврда мунтазам аэровизуал рекогносцировка олиб борсин.

(Давоми 2-бетда)

ОЛИЙ МАҲЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

7-9 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАҲЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Ҳақамлик судлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг аъзоси О.Охунова учинчи ўқишда тақдим этди. Депутатларнинг қиритган таклифлари бўйича қабул қилинган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

Депутатлар Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаева

иккинчи ўқишда тақдим этган «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасини давом эттирдилар. Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирокида батафсил муҳоқамга этилганидан кейин депутатлар баён қилинган таклифлар ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Депутатлар Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси З.Убайдуллаевнинг маърузаси бўйича «Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғриси-

даги Шартномага қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар.

Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг муҳоқамасидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунчи қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси Д.Тошмухамедова томонидан тақдим этилди. Депутатлар бўлиб ўтган муҳоқамадан кейин Қонунчи қабул қилдилар.

Халқаро ишлар ва парламентлараро ало-

қалар кўмитаси раисининг ўринбосари Л.Ғуломов «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида»ги ва «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида ахборот берди. Сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган муҳоқамга чоғида Ўзбекистоннинг Евроосиё ҳамжамиятига кириши мамлакатини янада ривожлантириш ва интеграция алоқаларини мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Қонунчилик палатаси мазкур қонунларни қабул қилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ СЕЛ-ТОШҚИН ВА КЎЧКИ ХОДИСАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАВКУЛДАДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари: бир ҳафта мuddатда хавфли гидрометеорологик ва геологик ҳодисалар билан боғлиқ фавкулдада вазиyтлар пайдо бўлиши тахдидларига қарши ўз вақтида чора кўриш ҲАМДА аҳоли ва худуdларни муҳофаза қилиш бўйича ишларни тезкор ташкил этиш ва бошқариш учун вилoят ва туман (хавфли туманларда) штаблари ташкил этсин; мазкур штабларни зарур миқдорда транспорт воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва алоқа воситалари билан таъминласин;

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2006 йил 15 мартгача хавфли участкаларни аниқлаш учун гидротехник иншоотлар, кўприклар, қирғоқлар, дарёлар ўзанлари ва сойларнинг ҳолатини ўрганиб чиқсин, уларни тозалаш ва мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган муҳофаза чоралари ва авария-тиклаш ишлари бажарилишини таъминласин;

руҳсатсиз қурилиш ва норуда материаллар қазиб олиш, дарёлар ўзанида бошқа хўжалик фаолиятини олиб бoриш оқибатида дарёлар, каналлар ва сойларнинг сув ўтказиш имкониятлари камайиши ҳoлларига йўл қўймасин ва бунинг қатъий олдини олсин;

Давлат геология қўмитаси ва ўзгидромет кўрсатмалари асосида хавфли худуdлардан кўчирилмиш зарур бўлган хўжаликлар аҳолисининг ўз вақтида ва бехатар кўчирилишини таъминласин;

Хавфсиз жойларга кўчириладиган кишиларнинг ҳаёт кечирishi ва муносиб турмуши учун зарур барча шарoитларни яратсин, улар орасида тегишли тушунтириш ишларини олиб бoрсин;

жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансида турган дарё ўзанлари ва сойлар қирғoқларини мустаҳкамлаш ва уларни тозалаш чoра-тадбирларини мoлиялаш асосан ҳисоб-китоблар бўйича маҳаллий бюджетлар заҳира фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин;

5. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (С.Исмоилов), «Давсухўжаликназорат» инспекцияси (Т.Қамолов): бир ой мuddатда гидротехник иншоотларнинг (каналлар, дамбалар ва сел йўллари) сел ва тошқин сувларини хатарсиз ўтказиб юборишга тайёргилигини текширсин;

Фавкулдада вазиyтлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда 2006 йилнинг 15 мартгача ўзанили сув омборларини текширсин ва ушбу сув омборларининг сел ҲАМДА тошқин сувларини хавфсиз қабул қилиш ва хатарсиз ўтказиб юборишга доимий тайёргилигини қафолатловчи иш тар-

тибини таъминлаш устидан назорат ўрнатсин, тошқинлар бошланганда ҳар бир ўзанили сув омборида руҳсат этилган энг юқори ҳажмининг камиди 30 фоизи миқдориди бўш жой мавжуд бўлишини таъминласин;

сел ва тошқинлар пайтида жойлардаги барча бўлинмаларда раҳбар ходимларнинг тушуқ навбатчилигини ва сув ҳўжалиги объектларининг хавфсиз ишлашини назорат қилишини таъминласин;

6. Фавкулдада вазиyтлар вазирлиги (Б.Субанов): вазирликнинг ҳудудий бошқармалари шахсий таркибини сел ва тошқинлар ўз берадиган давр мoбайнида кўчатирилган иш тартибига ўтказсин, қидирув-қутқарув бўлинмалари ва тезкор гуруҳларнинг хавф ёки фавкулдада вазиyтлар юзюга келган ҳoллардада белгиланган вазиyтларни бажаришга доим тайёргилигини таъминласин;

хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ вазиyтларни кузатиш бўйича маълумотларни тўлласин ва таҳлил қилсин, фавкулдада вазиyтлар юзюга келиши хавфини камайитириш ва ушбу ҳoлларда келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни бартараф этиш бўйича зарур чoра-тадбирларга доир тақлифларни Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясига ўз вақтида тақдим этсин;

Ички ишлар вазирлиги ва ўзгидромет билан биргаликда фавкулдада вазиyтлар юзюга келишининг мониторингини амалга ошириш ва бундан ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида ўпирилиш хавфини мавжуд бўлган тоғ кўллари кузатиш учун тегишли техника ва сифатли алоқа воситалари билан жиҳозланган муваққат постларни ўз вақтида ташкил этишни таъминласин;

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда хабардор қилиш тизимининг пухта ишлашини, фавкулдада вазиyтлар хавфини тўғрисидаги ахборот ва сигналларни ўз вақтида етказиш ва тегишли вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҲАМДА аҳолини хабардор қилишни таъминлашга доир чораларни кўрсин;

2006 йилнинг баҳор-ёз мавсумида сел, тошқин ва кўчки хавфини мавжуд бўлган участкаларда тегишли кўникмаларни маъқ қилиш ва зарур ҳимоя ишларини амалий бажариш мақсадида махсус тактика машғулотларини ўтказсин;

Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси қарорларининг бажарилишини самарали мувофиқлаштириш ва қатъий назорат қилишини таъминласин;

7. Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, дахлдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда табиий хусусиятга эга фавкулдада вазиyтлар хавфини юзюга келганда аҳоли (жумладан, кўчирилган шахсларнинг мuddатдан олдин қайтиши), транспорт воситалари ва техникани хавфли участка ва худуdларга қўймаслик

мақсадида йўллар, транспорт коммуникацияларида қўшимча постлар ва оғоҳлантирувчи белгилар қўйилишини таъминласин;

8. Ташқи ишлар вазирлиги (Э.Ғаниев) 2006 йилнинг 1 апрелигача Қирғизистон ва Тожикистон ҳукуматларидан ўзгидромет бўлинмалари томонидан ушбу мамлакатлардаги тоғли ва тоғли худуdларда қор заҳираси ҳажмини аниқлаш, тоғ кўллари баҳоллаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидидаги участкаларга хавф туғдирувчи сел, тошқин ва кўчки хавфини бўлган зоналарни аниқлаш мақсадида аэровизиуал текширишларни ўтказиш учун руҳсат олиш ҲАМДА уларнинг ҳолатини биргаликда мониторинг қилиш масаласини тегишли тартибда ҳал этсин;

Молия вазирлиги (Р.Азимов) белгиланган тартибда ўзгидрометта Вазирлар Маҳкамасининг заҳира фондида чегарадош давлатлар ҳудудидида тоғли ва тоғли туманларда аэровизиуал текшириш ишларини ўтказиш учун 101 миллион сўм миқдорда мақсадида йўналтирилган маблағ ажратсин;

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) вақтинчалик ва доимий яшаш жойларига кўчирилган аҳолига сифатли табиий ҳизмат кўрсатишини ва бу жойларда санитария-эпидемиология назоратини таъминласин. Фавкулдада вазиyтлар юзюга келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳoлда дори-дармон, санитария-гигиена ва эпидемиология қарши воситаларнинг етарли даражадаги заҳирасини ташкил этсин;

10. «Ўзавтотўл» давлат акционерлик компанияси (М.Абдуллаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда А-373 «Тошкент-Ўш» автоўйлининг «Қамчик» довози участкасида одамлар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш мақсадида муҳандислик-техник муҳофаза тадбирлари бажарилишини таъминласин. Республиканинг бошқа худуdларидаги автоўйлар табиий ҳодисалар оқибатида бузилган ҳoллarda уларни қайта тиклаш учун зарур куч ва воситалар тайёр туришини таъминласин;

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Тошқин сувларини, сел оқимларини ўтказиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавкулдада вазиyтларнинг олдини олиш ҲАМДА уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги қўшимча чoра-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган ҳeб ҳисоблансин;

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 9 февраль.

НАВОЙИ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

УЛУҒ БОБОКАЛОНИМИЗ, ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ИЖОДИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА АҲЛОҚИЙ ЖИҲАТДАН ИНСОН КАМОЛОТИДА, АЙНИҚСА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.

Аллома ижодининг қайси бир қиррасига назар ташламайлик, Вағна муҳаббат, катталарга ҳурмат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонийлик сингари фазилатлар тараннум этилганлигини кўрамиз. Айни кунларда улғ мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Қуни кенча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ушбу сана муносибати билан Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганиш мақсадаларига бағишланган аънавий илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос олимлар, навоийшунос-

лар ҳамда шоир ва ёзувчилар иштирок этдилар. Анжуман қатнашчилари ўз чиқишларида буюк аллома ижодининг янги қирраларидан ташқари унинг давлатчилик бошқаруви ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишдаги роли ҳамда ҳаётининг ибратомўза жиҳатларига тўхталиб ўтдилар. Жумладан йиғилишда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб, Навоий ижодининг бугунги кундаги аҳамияти, улғ мутафаккир асарларининг чет тилларига таржималари, хусусан «Ҳамса» китобини япон тилига таржима қилиш режалаштирилганлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Филология фанлари доктори И.Ҳаққулов «Навоийшунослик ва унинг долзарб муаммолари», филология фанлари номзоди С.Ғаниева ва «Махбуб ул-қулб» асарининг форсий таржималари ҳақида», филология фанлари доктори С.Ҳасанов «Навоий ижодида ранглар ва рақамлар символикаси» сингари мавзуларда ва бошқа кўлаб адабиётшунос, навоийшунос олимлар маъруза қилдилар, баҳс-мунозара ва муҳокама-лар бўлиб ўтди. Анжуман якунида Ҳазрат Навоийнинг асарларини келгусида нашр этишда яна нималарга эътибор бериш кераклиги бўйича тақлифлар ўртага ташланди.

Дилором ИКРОМОВА.

МАХСУЛОТ СИФАТИГА КАҒОЛАТ БОР

Рўзгорга озиқ-овқат махсулотлари, асосан гўшт харид қилиш мақсадида «Чорсу» бозорига йўл олдик. «Отан бозор-онан бозор», деган нақлга амал қилдик-да, мева-сабзавотларини харид қилиб бўлгач, гўшт растасига ўтдик.

Гўшт махсулотларику сeрoб. Қасoсoблар мол, қўй гўшларини озода ҳoлда, қoғoзга ўраб сoтишарди. Бирoқ, нарх-навоининг бирoз қимматлиги алам қилди-да, наваранининг маслoхати билан супермаркетлардан бирига кирмоқчи бўлдик.

— Бoбo, сизга бир гап айтмайми? — йўлда кетарканмиз сўз бошлади набирам Бoбуржон. — гўштин, умуман ҳар бир махсулотни супермаркетлардан харид қилиш керак. Чунки, супермаркет ўз махсулотининг ишончли эканлигига қафолат бeради. Бoзoрда эса бу имконият йўқ.

этим.
— Зийрак бoбo сиз бўласизми?
— Ҳа, мeн бўламан, бўтам, — савoлига жавoб қайтардим.
— Бoбo, oламда яхшилар кўп экан, — гап бошлади сўхбатдошим. — Ҳoзирги кунда бирoвга бeминнат хизмат кўрсатиш, яхшилик қилишни жасoратга мeнгаш керак.
— Сиз бирoр вoкeадан таъсирланган кўри-насыз. Батафсилроқ ҳикоя қилингчи, — сўхбатдошимга далда бермоқчи бўлдим.
— Гапимга хайрон бўлманг, бoбo. Исмим Оқилжон. Ўзим Юнусoбoдда яшайман. Яқинда юз бeрган вoкeа зoра хамшаҳарларимизга, хусусан, айрим шифoқoрларга ибрат бўлса, деган ниyтда ҳузурингизга кeлдим. Фарзoднинг Одижоннинг oшкoзини oғриб бeзoнда қилди. Кўп йиллар шифoқoналарда даволатдик. Кўрсатмаган шифoқoрларимиз таби колмади ҳисoб. Утган йили эса шифoқoрлар жарoҳлик йўли билан даволаш мумкинлигини, йўқса ўғлим ҳаётдан бeвақт кўз oмиши мумкинлигини айтишди. Яшириб нима

ГАП ЭҒАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

— Чиндан ҳам гапимда жон бор бўтам, қани, юрчи, «Қозонотин» кинотеатри рўпасидаги «Зафар» супермаркетига киримиз, — тақлиф қилдим.

Тан олиш керак, Истиклол шарофати туфайли шаҳримизда хамшаҳарларимизга замонавий усулда хизмат кўрсатаётган бундай супермаркетлар фаолияти мақтовга сазовор. Набирам айтгандек, икки килограм қўй гўшти, сариёғ харид қилдик. Эътиборлиси, махсулотни қўлингизга узатаркан, ҳушмуома-ла сотувчи қиз чек қoғoзини ҳам бeришни унутмайди. Хурсанд ҳoлда ушбу савдо маскани фаолиятини бирoз кузатишга аҳд қилдим. Турли хил ширинликлар, қoлбаса, сир махсулотлари, шакар, сариёғ харид қилган башанг кийинган, савлатли йигит махсулотларига пул узатаркан, чек қoғoзини олишдан бош тортиди.

— Менга чек керак эмас. Сизларга ишонман. Ҳoзир эса шoшиб турибман, — деди йигит. Шунда сотувчи қиз ҳушмуомалалик билан яна тушунтирди.

— Агар сиз шу чекни олмасангиз ёнимдан жарима тўлашимиз тўғри кeлади. Йигит яна унамагач, гапга аралашишга мажбур бўлдик.

— Олинг чекни ўғлим. Ахир бу қиз сизга чекни узатиб ўз махсулотининг қафолати ҳақида оғоҳлантиряпти, пулни кассага топшириб ҳалол ишлаганини эслатыпти. Сиз эса...

Бу гапимни эшитган йигит бирoз кизарди-да, чекни олиб «рахмат», дея чиқиб кетди. Уйга қайтар эканмиз, супермаркетга боғриш тавсия этгани учун набирамдан миннатдор бўлганимни таъкидладим. Сиз азизларга ҳам супермаркетлар хизматидан унумли фойдаланинг деймиз.

ТАНГА МАЛҲАМ — ДАРДГА ШИҒО

Хонамда ишлаб ўтирсам, ҳузуримга эллик ёшларни қораланган бир киши кeлди. Саломлашиб, хол-аҳвол сўрашгач ўтиришга тақлиф

қилдим, сиздан бoбoжон. Ўзим ўртаҳол oдамман, ўқитувчилик қилиб, машош билан оила тeбратаман. Уч йилдан бeри ўғлимни даволаш шифoқoналарга, даволовчи хакимларга пул сарфлайвериб, уйимизда «қoққанда қoзиқ, oғсанда ҳурманча» колмади. Бошим қoтиб ҳаёл суриб турганимда ҳамкасбларимдан бири Абдураулу ўзи ашайдиган маҳаллада тажрибали шифoқoр борлигини, муҳими у киши oдамларни бeпул даволашини айтиб қoлди. Бир ишониб, бир ишонмай шифoқoр Анвар ақанинг ҳузурларига бордим. Очигини айтиб, бунча дилхаш, ширинсўз, oдамoҳун инсонни учратмаганман. Тажриба бoбида ҳам Анвар ақа унча-бунча хамкасбларига ўрناк бўлгучи экан. Оқилжонни синчиклаб текширигач, Анвар ақа. «Мен айтган муoлажага сўзсиз амал қилinsa, ўғлингиз соғайиб кeтади. Фақат муoлажа узoқ мuddат давом этади», дедилар. Оқилжон кам эмас, кўп эмас, нақд олти oйдан oртикroқ Анвар ақанинг кўрсатмаларига амал қилиб даволанди, унинг жарoҳликлi столига ётишига ҳoжат колмади. Бу орада Анвар ақа уйимизга кўп марта қатнадилар. Хуллас ўғлимиз шифo тоғгач минатдорчилик рамзи сифатида шифoқoрга соғва ёки оз миқдорда бўлсада пул бермоқчи бўлдик. Анвар ақа. «Шу пулларга Оқилжонга тузукroқ соғва инъoм этинглар», — деди Анвар ақа.

Шу ерга келганда сўхбатдошим жимиб қoлди-да, бирoз ўтгач қўшимча қилди. — Зийрак бoбo, oламда Анвар ақага ўшарган ҳoқисoр, аjoyиб инсонлар кўпаяверсин. У кишининг фазилати хаммага ибрат бўлсин, дея сизга ушбу вoқеани сўзлаб бeраётгирман. Хикоямни диққат билан тингланганингиз учун раҳмат.

Нима ҳам дердик. Сўхбатдошим ҳақ. Оламда Анваржонга ўшарганлар яқинман бор. Камина эса сўхбатдошим билан хайрлашгач, сиз азизларга у айтган хикояни қандай бўлса шундайлигича қoғoзга тушириб етказишга ҳаракат қилдим ҳoлoс.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Кунлардан бир кун Анушервон ўз мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарса нима?» — деб сўради. Биров: «Шoҳи», деб жавoб берди. Биров: «Тoвуқ патлари», деди. Яна бирови-эса: «Шoҳидан ҳам юмшоқroқ нарса нима бўлиши мумкин», деди. Шу пайтда халиги йигит сарoй тeпасида турган эди. У мулозимларнинг жавoбидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач деди: «Энг юмшоқ нарса тинчликдир!» Анушервон унга офарин айтиди ва яна сўради: «Энг яхши oвқат нима?» Йигит: «шаҳoнийни қувватни оширмайдиган ва танда иллат кўзгатмай-диган oвқат энг яхши oвқатдир», деди. Яна сўради: «Энг яхши шарoб қайси?» Йигит: «Ақлни зoе қилмайдиган ва касаллик пайдо қилмайдигани», деб жавoб берди. Яна сўради: «Гулларнинг ичида энг ширин хидлиси қайси?» Йигит: «Oта-она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини бoқийлаштирадиган ҳаёт гули бўлиши фарзанд», деб жавoб берди.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳакимлари орасига олди. Байт:
**Дoно нoчoрликда қoлса ҳам бир кун,
Умиди ҳoсиддан кўрсатар нишон.
Мушкни кўр, либoсга бекитилса ҳам,
Ҳид сочиб ўзини қилур намoён!**

Муинидин ЖУВАЙИЙ
Одоб — улғлик ва юксалик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад ва манзилга етиш мумкин. Шарм гулзоридан эса барча муддао гулини дасталаш мумкин. Латиф сирларнинг ҳақиқатини англовчилар ва ҳар қандай рамз маъносини тадқиқ қилувчилар айтадиларки, oдамийлик рисоласининг дарсларини ўқишга азм қилиб, бахтиёрлик кўчасига қадам қўювчи ҳар бир инсонга, аввало, шарму одoб қoидасини ёд қилмоқ шартдир. Токи бахт муаллимининг йўлнамаси билан ҳаёт қонунининг илмий идрoқ қилишда биллими ва уста бўла олсинки, ҳақиқатан ҳам, инсоният учун одoб аjoyиб тож ва oдамийлик беэаги учун қимматбаҳо гавҳардир.

Бархурдор ибн МАҲМУД
**Дегул инсон десанг ани не ажаб,
Бўлмаса қирқ яшарда ақлу адаб.**

Сайфи САРОЙИ

Одобли одам табиғга ўхшайди, у билан сўхбатлашиш кўнгилдаги гамни қувади.
«ОТАЛАР СЎЗИ»
Бир кун халифа Маъмон одoб билан сўзлаётган бир боладан: «Кимнинг ўғлисан?» деб сўради. Бола: «Одобнинг ўғлиман», деб жавoб берди. Бу жавoбни эшитган Маъмон: «Қандай чиройли отанг бор экан-а», деб унга таҳсин ўқиди.

Муҳаммад ЗЕХИЙ
**Улғаюрсан, санда бор бўлса адаб,
Улғаюрсан, санга ёр ўлса адаб,
Одам эрсанг, ташки сурата берма зеб,
Она юртинги ҳамиша айла зеб.**

Анбар ОТИН
Адаб бир булутки, унинг бир томчи ёмиғи яхши кишиларнинг амал экинзорига ёғса, умид полизини абадий кўкаламзорга айлантиради ва яхши ном ҳосилдан фойда хирмонини барпо қилади.

Бархурдор ибн МАҲМУД
**Отанг-онанг тарбиятига қил гузар,
Ҳoлина айлаб назар, олгил хабар.**

Саид ҚОСИМИЙ
Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгарийилардан ибрат ол.

«ОТАЛАР СЎЗИ»
Ҳақиқий инсон ҳамisha илм ва ҳунар олишга интилади. Илм бир дарахт бўлса, одoб унинг меквасидир. Одобсиз олим мевасиз дарахтдир.

Муҳаммад ЗЕХИЙ
Ҳар бир киши касб-кoҳини муқаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-oдоб, фазилатларга эга бўлмоғи керак.

Абу Наср ФОРОБИЙ
Ҳикмат арбoбларнинг айтишларича, кишининг вужуд гули одoб ранги ва ҳидидан холи бўлса, у киши oдамлар назариди тикандек зoра бeкадр бўлади, халқ кўнгли у билан сўхбатлашишдан қолади ҳамда бeғона-oшнолар ундан юз ўгирадидилар. Унинг аҳоли саҳифасига нафрат қалами билан узoқлик ва бeғоналик белгисини қўядилар. Шунинг учун бeшарм ва одoбсиз кишилар давронинг даққисини ва танбихидан ўзларининг oзoдлик қанотларини сингган ҳoлда кўрадилар ва уларнинг мeҳру муҳаббат ҳеч кимнинг дилига ҳеч қачон ўтирмайди.

Бархурдор ибн МАҲМУД
Ҳаёт энг яхши мураббийдир.

«ОТАЛАР СЎЗИ»
Тарбия таъсир қиладиган кишилар уч тоифага бўлиндилар.

Биринчиси — ҳануз oқ билан қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик губорин билан бўлганмагач, юраги эса бoтил ишлар зулмати билан қораланмаган бўлади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қилади. Бундай болани тўғри йўлга оsonлик билан ўргатиш мумкин.

Иккинчиси — oқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг галабасини билан яхшилик томонга бурилади олмайд юрган бўлади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эътироф этади. Бундай oдамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо унга доимий тарбия бeрилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбeҳлар бeриб борилса, албатта, яхши йўлга кириб кeтади.

Учинчиси — оилада бoтил ҳаёт ва фoсид фикрлар билан ўсиб улғайган киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган бўлади. Ёмонлик қилса ҳам уни ўзича яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда oғир. Унинг тарбиясига киришиш — тирноқ билан кудуқ қазиб ёки хали қизиб чўғга айланмаган темирни болғалаш билан барoбар.

Дoнолар яхши ёки ёмон хулқли бўлишини оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, бузук хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик қутти қийин. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музани эритгани ёки сув тузун эритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юборади.

Абулбаракот КОДИРИЙ
**Маҳмуд ҲАСИДИЙ,
Ҳамиджон ХОМИДИЙ**
тайёрлашган.

Спорт
СПОРТЧИЛАРНИ ТУРИН КЎТМОҚДА

БУГУН ИТАЛИЯНИНГ ТУРИН ШАҲРИДА XX ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ҲАМДА ҲАМДА ҲАМДА БОШЛАНДИ.

26 февралгача давом этадиган катта спорт анжуманида дунёнинг кўлаб мамлакатлари вакиллари биатлон, бoбслей, тоғ чангис спорт, кeрлинг, конькида, унчи, чанги иккикураши, чанги поёғиси, чангида трамплин-лендан сакраш, чана спорт, скелетон, сноуборд, конькида фигурали унчи, фристайл ва хоккей бўйича олимпик унчи куч синашади.

Кички спорт турларининг энг нуфузли мусoбақасида юртимиз шарафини тўрт спортчимиз — Анастасия Гимазетдинова, Артём Князев, Марина Аганина ҳамда Қайрат Эрматов ҳимоя қиладилар. Олимпиячиларимиз орасида фигурали унчи устаси Анастасия Гимазетдинова энг тажрибали. Туринда фигурали унчи бўйича яққалиқлар ўртасидаги беллашуларда қатнашадиган бу дамюртимиз халқаро турнирларда юқори натижаларга эришган.

лиқлар ўртасидаги беллашуларда қатнашадиган Марина Аганина ва Артём Князев ҳам



Киш хандалари

Бунча совук
— Хой, Хосият, куйлак-шимимни эринмай, тозарок ювсанг кўллари...

Бу воқеани менга Азаматжон деган созанда — мусиқа муаллими айтиб берган эди.
— Кирчиллама йигит пайтим, янги «Жигули» машинаси...

Тўғри келди. Яна энди гап бошлай десам, жувон айтган маҳаллага бурилиб қолдик. Энди нуқулройроқликкан? Бунинг устига бу маҳалла мен учун ҳам таниш...

КУЎВИМНИНГ АММАСИДАН АЙЛАНАЙ...

ХАНГОМА

— Ие келин, ақа бу... аммамни қаердан олиб келаяпсиз? — деб сўраб қолди.
— Э, шунақами? Ха, ха, йўлда учраб қолдилар, олиб келаяпман-да, ахир қариндош бўладилар-да...

ИШТАҲА

Афанди шифокор экан, бир кун уни унинг олдига машур ошхонанинг донгдор ошпази келиб арз қилибди:
— Хурматли Афандим,



сиз бундай қилинг, ошхонадаги овқатларнинг барчасидан бирма-бир тотишиб чиқасиз. Ха, баракалла, энди ўзингиз билан бир челақ олволинг, ўша ўзингиз бир қошиқдан татиган овқатларингиздан челақча ҳам бир қошиқдан солавиринг, хўпми. Яшанг, энди ўн кундан сўнг хузуримга келсангиз бирор маслаҳат беришим мумкин.
— Ошпаз Афанди айтганидек қайси овқатдан бир қошиқ татиб кўрсиз, ўша овқатдан бир қошиқдан челақча ҳам сола бошлабди.
Кечгача челақ лиммомли тўлибди. Айтилган кун ошпаз Афандининг хузурига хозир бўлибди:
— Худди сиз айтгандай қилдим, кечгача челақ лим-лим тўлиб кетди.
— Яшанг — дебди Афанди кулиб — бу иштаҳа бўлмай, нима бўлмаса.

Мунажжим башорати

11 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА
ҲА, БИР ЙЎЛА БИР НЕЧА МУНАЖЖИМЛАР БУГУНГИ КУНИНГ ФАОЛ ТАШАБУСЛАР ВА ДАДИЛ ҲАРАКАТЛАР КУНИ ДЕБ ТАЪРИФЛАЙДИЛАР. БОР ИМКОНИАТИНГИЗ, КУЧ ВА БИЛИМЛАРИНГИЗНИ ИШИГА СОЛИБ, МЕҲНАТ ҚИЛСАНГИЗ ДОҒДА ҚОЛМАСИЗ.
Айниқса кундузи соат 15 дан кейин кўл урган ишларингиз муваффақият билан давом этади. Саёҳатларга йўл олиш, таъмирлаш ишларини бошлаб бориш, муҳим қарорларни қабул қилиш мумкин.
Бугун ва эртага кечаси кўрадан тушларингиз башорати бўлиши кутулади. Уларни эслаб қолсангиз ёки, ахшиши, ёзиб қўйсангиз ёмон бўлмайди. Кейинчалик улар ҳаётингизда кўл келиб қолиши мумкин.
Кўзларингизни зўриқтирманг ва кўзга узоқ тикилиб ўтир-

манг. Танани тозаловчи ҳар қандай муолажалар бугун фойдали бўлади.
Қизил ва оч сарик рангли либослар бугунги кун руҳига мос бўлади. Қора ва қулранг ҳамда настиранинг кийимларингизни жавонинг нариги чеккасига суриб қўя туринг.
12 ФЕВРАЛЬ, ЯҚШАНБА
КЕЛАЁТГАН АХБОРТЛАР, ХАБАРЛАР ВА ШУНЧАКИ ГИЙБАТ ГАПЛАР БЕЛГИЛАБ ҚЎЙГАН РЕЖАЛАРИНГИЗДАН СИЗНИ ЧАЛГИТАДИ, ЎЗ ОДАТЛАРИНГИЗ, ҚОНДАЛИРИНГИЗГА ҚАРШИ ИШ ТУТИШГА МАЖБУР ҚИЛАДИ.
Зеро, бугун ўзгартирилган кун. Яъни узоқ кутган ёхуд сизни турғунлик ботқоқидан олиб чиқадиган ўзгаришлар кунидир. Ҳар қандай ноёб ёки гайриоддий бўлишига қарамай, ўз қарорларингиз ўзлигингизни намоён этишингиз, кўз-кўз қилишингизга имкон беради.
Бирон-бир ялтироқ бўюмни топиб олиш яхшилик аломати, уйдаги соатнинг тўхтаб қолиши, шамол эшикни очиб юбориши, кўзунинг синиши нохушлик аломатларига қиради.
Бу кеча кўрган тушларингиз, айниқса уларнинг эсда қоладиганлари, ёрқин ва аниқ-тиниқ гапириб бера оладиганларингиз башоратли бўлади. Улар тез орада ўзингизда содир бўлиши кутулади.
Юрак, буйрақлар ва ошқозонни безлари бугун хасталикларга мойил бўлади. Малина мурабболари, сабзавот шарбатларини ичиш тавсия этилади.
Кийим-кечаклардан кўк ва қумушранг, бронза ва настиранинг либослар кунингиз омадди ўтишига ёрдам беради. Қора, жигарранг ва барча ола-була ранглардан нарироқ бўлинг.
13 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА
МУНАЖЖИМЛАР БУГУН СОҒЛИК, АММАЛАТ,

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
«KAFOLAT RIELT» МЧЖ Тошкент шаҳри, Утмана тумани, Ҳ.Турсунқулов кўчасида жойлашган умумий фойдали майдони 367,83 кв.м. ҳамда янаша майдони 219,39 кв.м. бўлган 2 та балқондан, ҳаммом, ошхона, ертўла, бостирма, йўлак ва етти хонадан иборат № 6 ва №7 турар уйлари СOTУВГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Бошланғич баҳоси — 144 000 000 сўм.
Бағра тасмаларга юзасидан қўйидаги таърифи тўрожаати қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Жайлоқтоғи тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-ўй. Тел.нолар: 138-69-70; 138-69-93

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошкент Давлат цирки 2006 йил 10 февралдан бошлаб Тошкент цирки манежидида «ЙИРТКИЧЛАР АТТРАКЦИОНИ»
Дастурда:
Бенгал йўлбарслари, Африка шерлари, Гамадрилья маймуллари, Химолой айиқлари, ўргатилган пакана отлар ва кўпгина бошқа ҳайвонлар иштирок этади!!!
Томоша қилишга шошилинг!
Томошалар: жума кунлари 18.00, шанба ва яқшанба кунлари 12.00, 15.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

ОСОЙИШТАЛИК ВА УЙҒУНЛИК КУНИ ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАШАДИ.

Бугун соат 12.49 дан 17.14 гача Ой сайёраси йўналиши ҳолатда бўлиши юрак хасталиклари хуружи, бош ми хасталикларининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай беморлар эҳтиётини қилиб, шифокор тайинлаган дори-дарилари вақтида истеъмол қилганлари маъқул.
Тушларингиз башорати бўлиб, турғиндан-тўғри таъбир қилинади ва тез орада ўтишдан келади. Кетма-кет бир неча тунд кўриш ва уларни эслаб қолиш хайрли бўлади.
Бугун инчалар заифлашган ҳолатда бўлади. Шунинг учун энгил таомлар истеъмол қилганингиз маъқул. Кўпроқ сутқатикли овқатларга устуворлик бериш керак.
Кийимлардан кўзга ташланмайдиган, ранги ўнганроқ қумушранг ва хаворанг либосларни танлаш тавсия этилади. Тимкура ва қизил рангли кийимларингизни бошқа вақтларга олиб қўя туринг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР

FUND FORUM. UZ
TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI
O'zingni ko'rsat!
Olimp choqqisini zabt et!
Iqtidorini namoyish et!

INTELLEKTUAL OLIMPIADA
20-27.02.2006
Nima? Qachon? Qayerda? Breyng ring, Svoya igra, intellektual SMS, shashka, shaxmat va komp'yuter o'yinlari bo'yicha turli xil talovlar.
Toшкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси жамоалари 17-шаҳар клиник шифохонаси бош врачси
Бахтиёр Рустамович АБДУЛЛАЕВИНГ
вафот этганини муносабат билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради



ДУШАНБА, 13

«Ўзбекистон»
6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тавлиҳона»
8.45 ТВ анонс.
8.50 «Отин мерос»
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Мушавир ҳайт йўли».

СЕШАНБА, 14

«Ўзбекистон»
6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тавлиҳона»
8.45 ТВ анонс.
8.50 «Отин мерос»
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Мушавир ҳайт йўли».

ТОШКЕНТ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 18.00, 22.00, 03.00, 05.00
9.05 «Убойная сила»
10.20 Детектив «Любительница частного сыска Даша Васильева»
11.40 «Кривое зеркало»
12.10 «Кривое зеркало»
12.10 «Кривое зеркало»
14.00 XX зямине Олимпиадские игры. Лыжи. Командный спринт.
16.10 «Кривое зеркало»
17.10 «Кривое зеркало»
18.10 Криминальная Россия. «Кемеровская записка»
18.40 «Кривое зеркало»
19.50 «Кривое зеркало»
21.20 «Кривое зеркало»
22.40 «Кривое зеркало»
00.10 «Кривое зеркало»
01.00 Ральф Файнс в триллере «Странные дни»
02.30 Фильм Питера Богдановича «Учитель по любви»
03.05 Фильм «Учитель по любви»
04.10 Новые чудеса света. «Сиднейский аквариум»
04.40 Документальный фильм «05.00 Новости»
05.05 Документальный фильм «Россия»
5.00 «Доброе утро, Россия!»
8.45 «Громовые». Телесериял.
9.45 «Антииллер Холтов. Исповедь президента»
10.45 13.45 16.25 00.15, 04.40 Вести. Дарьянин частный
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.20, 16.40, 20.30 Местное время. Вести-Москва
11.50 «Кривое зеркало»
12.45 «Кривое зеркало»
14.40 «Кривое зеркало»
15.10 «Суд идет»
17.10 «Обреченная стать звездой». Телесериял.
18.00 «Кривое зеркало»
18.45 «Черная богиня». Телесериял.
19.45 Вести. Подборки.
20.50 «Спокойной ночи, малыши!»
21.00 «Громовые». Телесериял.
21.40 «Кривое зеркало»
22.40 «Кривое зеркало»
23.20 «Кривое зеркало»
01.00 «Кривое зеркало»
02.30 «Кривое зеркало»
03.20 «Кривое зеркало»
04.10 «Кривое зеркало»
04.40 «Кривое зеркало»

ТОШКЕНТ

18.20 Программа передач
18.30 «Пойтахт» (рус.)
18.50 «Волшебный мир сказок»
19.10 Телегазета «Экспресс»
19.20 «Табриклийлик, кутаймиз»
19.50 «Телекўрар маркет»
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Камилла»
20.30 Телегазета «Экспресс»
21.00 «Навои ҳақида ривоятлар: «Шаҳода Гариб Мирзо» 8-қисм
21.30 «Телекўрар маркет»
21.40 «Мушавир ҳайт йўли»
22.00 «Маданият для вас»
22.20 Кинкоко: «Любимый Радна». 1-серия
22.25-23.30 «Спокойной ночи, мой город»

ТОШКЕНТ

18.20 Программа передач
18.30 «Пойтахт» (рус.)
18.50 «Волшебный мир сказок»
19.10 Телегазета «Экспресс»
19.20 «Табриклийлик, кутаймиз»
19.50 «Телекўрар маркет»
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Камилла»
20.30 Телегазета «Экспресс»
21.00 «Навои ҳақида ривоятлар: «Шаҳода Гариб Мирзо» 8-қисм
21.30 «Телекўрар маркет»
21.40 «Мушавир ҳайт йўли»
22.00 «Маданият для вас»
22.20 Кинкоко: «Любимый Радна». 1-серия
22.25-23.30 «Спокойной ночи, мой город»

ТОШКЕНТ

18.20 Программа передач
18.30 «Пойтахт» (рус.)
18.50 «Волшебный мир сказок»
19.10 Телегазета «Экспресс»
19.20 «Табриклийлик, кутаймиз»
19.50 «Телекўрар маркет»
20.00 «Пойтахт»
20.20 «Камилла»
20.30 Телегазета «Экспресс»
21.00 «Навои ҳақида ривоятлар: «Шаҳода Гариб Мирзо» 8-қисм
21.30 «Телекўрар маркет»
21.40 «Мушавир ҳайт йўли»
22.00 «Маданият для вас»
22.20 Кинкоко: «Любимый Радна». 1-серия
22.25-23.30 «Спокойной ночи, мой город»

